
Яйпан шаҳар марказидаги айрим ҳудудларда электр таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади

Бугун, 8 январь куни Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси томонидан Яйпан шаҳар Туркистон ва Улуғбек кўчалари кесишмасида қурилаётган кўп қаватли янги уй-жойларни электр тармоғига улаш ишлари олиб борилади.

Шу сабабли 110/35/10 кВли “Яйпан” нимстанциясидан чиқувчи 10 кВли “Улуғбек” ҳаво тармоғи орқали таъминот етказиб бериладиган Яйпан шаҳар “А.Жомий”, “Яйпан гузар”, “Туркистон” ва “Оқтепа” МФЙларининг айрим ҳудудларида соат 12.00 дан-14.00 гача истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб берилишида вақтинчалик узилишлар содир бўлади.

Хурматли истеъмолчилар! Юқорида кўрсатилган вақт давомида зарур эҳтиёт чораларини кўришингиз лозимлигини эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси

Мурожаат учун телефон:  (95) 402-13-52, (73) 539-16-03

2022-01-08 09:24:37